

**“БЕРУНИЙ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИГИЛИШИ
11-СОН БАЁННОМАСИ**

Қорақалпоғистон Республикаси

Беруний тумани,

2026 йил 8 январь

Кат кўчаси, рақамсиз-уй

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўчасида жойлашган “Беруний пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:30**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:25**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:30**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 579 706.

“Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият кузатув кенгаши раиси Е.Кунназаров “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2025 йил 9 декабрдаги SX-12/270 сонли хати билан таништирди ва ушбу хатга асосан бош кузатув кенгаши томонидан 2025 йил 17 декабрда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025 йил 3 январь.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Кунназаров Ерناзар Уринбаевич – “Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси;

2. Махмудов Алишер – жамият ижроия органи раҳбари-бош директор;

3. Аллабергенов Алишер – жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси А.Махмудов малака ва тажрибага эга бўлган “Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раисини йиғилиш раиси этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Тажимов Боҳрам Худаяровични йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раиси этиб Е.Кунназаров ва йиғилиш котиби этиб Б.Тажимов сайланди.

Йиғилишни, йиғилиш раиси Е.Кунназаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Б.Тажимовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2025 йил 3 январь ҳолатига шакллантирилган “Беруний пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1169 та акциядорга тегишли 579 706 дона акциялар катнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 311 154 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили)

рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 53,67 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. "Беруний пахта тозалаш" АЖнинг "Барака пахта текс" МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улушни "Қорақалпоқпахтасаноат" ХАБ АЖ га ўтказишни тасдиқлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2025-йил 17-декабрдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига З.Реимов-жамиятнинг бош ҳисобчиси, Ф.Султанов-жамият юрист маслаҳатчиси, А.Аллабергенов-жамият бош механиги номзодлари киритилган.

Шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқагача, савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига 7 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таклиф этилаётган таркибини ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 311 154та овоз билан 100%;

"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) З.Реимов;

2) Ф.Султанов;

3) А.Аллабергенов.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқагача, савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига

7 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Бош директори А.Махмудов сўзга чиқиб, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2025 йил 9 декабрдаги SX-12/270 сонли хатига асосан жамиятнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улушни “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ АЖга ўтказиш бўйича ушбу қарор билан таништириб ўтди.

Мазкур қарорга мувофиқ, “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг таркибидаги пахта тозалаш корхоналари таъсисчилигида “Барака пахта текс” МЧЖ ташкил қилиниб, 2019 йил 19 мартда Тошкент шаҳар Яккасарой туманида давлат рўйхатидан ўтказилган.

“Беруний пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги улуши 3,64 фоизни, 10 000,0 млн сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ – 4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва тизим корхоналарни тугатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харитаси”га мувофиқ жамият ва тизим корхоналарига тегишли бўлган активларни белгиланган тартибда сотиш бўйича топшириқлар белгиланган.

Шунга кўра, “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улуши 10 100,02 млн сўм баҳоланган кийматда 2021 йил ноябрда “Е-auksion” савдо платформасига чиқарилган. Узок муддатдан буён сотилмаганлиги сабабли Хусусийлаштириш Давлат комиссиясининг 2022 йил 29-августдаги 42-сон баёнига асосан улушнинг бошланғич баҳоси баланс кийматида (10 000,0 млн. сўмга) пасайтирилган, бироқ аукцион савдоларида сотилмаган.

Пахта тозалаш корхоналарини тугатиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда пахта тозалаш корхоналари, “Пахтасаноат” ХАБлар ва “Ўзпахтасаноат” АЖ ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорликларини қисман қисқартириш мақсадида пахта тозалаш корхоналарининг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги улушини “Пахтасаноат” ХАБларга ўтказиш таклиф қилинмоқда.

Бунда, пахта тозалаш корхоналарига тегишли улушлар номинал кийматда ушбу корхоналарнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ ва “Пахтасаноат” ХАБлар олдидаги, шунингдек “Пахтасаноат” ХАБларнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ ўртасидаги қарздорликларини ҳамда келгусида пахта тозалаш корхоналари тугатилганда акциядорларга тақсимланадиган маблағларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали ўтказилади.

Шунга кўра, “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улуши номинал кийматда жамиятнинг “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ олдидаги кредитор қарздорликларини ҳамда келгусида жамият тугатилганда акциядорларга тақсимланадиган маблағларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБга ўтказиш таклиф этилди.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан жамият ижроия органи раҳбари А.Махмудовнинг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 311 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улуши номинал қийматда жамиятнинг “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ ва “Ўзпахтасаноат” АЖ олдидаги, шунингдек “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ олдидаги кредитор қарздорликларини ҳамда келгусида жамият тугатилганда акциядорларга тақсимланадиган маблағларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБга ўтказилсин.

2. “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг Бош директори А.Махмудовга:

- “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улушини “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБга ўтказиш бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш;

- ўтказилган улушнинг номинал қийматини ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вазифаси юклатилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:



 Е.Кунназаров

 Б.Тажимов.

Йиғилиш баённомаси 2026 йил январь кuni икки нусхада тузилди.